



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 31 июль, № 147 (6077)

Пайшанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 июль куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий кўмондонлиги кўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.



Бўлиб ўтган суҳбат чоғида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик ай-

рим муаммолар муҳокама қилинди. Л. Остин Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва бу муносабатларни ўзаро манфаатли



йўналишларда ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штат-

лари Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлаш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎЗА).

Сарвар ҲУСНОВ олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!
Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг самимий табрик ва тилакларимни йўллайман.
Ўтган ой давомида бутун дунё мусулмонлари эътиқодларига таянган ҳолда ҳамда муҳтожларга ёрдам бериб, оила аъзолари ва ёр-дўстлари билан Рамазон удумларига риоя қилдилар. Ушбу ой Сиз ва Сизнинг яқинларингиз учун ҳам янгилик ва покликни айёми бўлди, деб умид қиламан.
Келгуси йил давомида Сизга тинчлик, сийҳат-саломатлик ва фаровонлик тилайман.
Қамоли эҳтиром ила,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!
Рамазон ҳайити муносабати билан йўллаган эзгу истакларингиз ва самимий табрикларингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Ийд-ал-Фитр муносабати билан Сизга ўзимнинг қизғин қутловларим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгандисиз.

Шамшад АХТАР,
БМТ Бош котибининг ўринбосари,
ЭСКАТО ижрочи котиби

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 30 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисини шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир вазифалардан келиб чиқиб, Кенгаш Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига мамлакат сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритди. Давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни, ишбилармонлик муҳитини яхшилашни, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфа-

атларини ишончли муҳофаза қилишни ва бошқаларни назарда тутадиган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги (янги тахрирда), "Тижорат сирини тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар мамлакатнинг бир қатор идоралари раҳбарларининг ҳисоботи тинглашга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ва муҳокама қилишни назарда тутмоқдалар.

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва девонининг ўн бешинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш бора-сидаги ишнинг мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА

бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли иқтисодийнинг барқарор ўсишига эришилгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 10,3, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15,8, истеъмол товарлари 14,1, қурилиш ишлари 11,4, хизмат кўрсатиш 22,9, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 6,5, савдо ва умумий оватланиш соҳаси 14,6 фоиз ўсди.

Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ноҳор қорхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўналишида бажарилган ишлар бу борада муҳим омили бўлди. Хусусан, "Туямўйин — Нукус", "Коммунал иссиқлик маркази", "Тахиятош ИЭС", "Шимолгазтаъминот" ҳамда КеҒеёли ва Тўртқўл туманлари йўл қорхоналарининг қарздорлиги тўлиқ бартараф этилиб, ҳисобот даврини улар фойда билан яқунлади.

Айни чоғда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодийга хориз ин-

вестицияларини кенг жалб этиш бўйича мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани ҳам атрафлича муҳокама қилинди.

Мажлисда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, тадбиркор-чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,1 фоиз ўсганлиги қайд этилди. Санотни янада ривожлантириш, тармоқлар рақобатбардошлигини ошириш борасидаги чора-тадбирлар туфайли соҳадаги қорхоналар сони ортиб,

ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

лар ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилиш, уларга кредит маблағлари ажратишни янада кенгайтириш, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашда мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини ошириш каби долзарб масалалар бўйича ҳам сўз юритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов иштирок этди.

ҚАШҚАДАРЁДА бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб

Натижалар таҳлил қилинди, вазифалар белгиланди

маҳсулот тайёрлаш ҳажми ошди. Ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 65,5 миллиард сўмга ортди.

Ҳисобот даврида вилоятдаги саноат қорхоналари томонидан 2 триллион 908,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу йўналишда 8 фоиз ўсми таъминланди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 5,7, пудрат ишлари 11,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1, жами хизматлар 16,9, чакана товар айланмаси ҳажми эса 14,7 фоиз ортди.

Юртимизда инвестиция сиёсати фаол амалга оширилишини, замонавий объектлар ва қувватларнинг ишга туширилишини жадаллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида шу даврда барча манбалар ҳисобидан 1 триллион 749,9 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилди.

Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш дастурларига асосан, аҳоли маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан 357 та чорвачилик, 104 та паррандачилик, 84 та асаларичилик ва 54 та балиқчилик субъектлари ташкил қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов сўзга чиқди.

(Давоми 2-бетда).

Маданий мерос муҳофазаси ва масъулият

Пойтахтимизда маданий меросни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎЗННТМА) томонидан Маданият ва спорт ишлари, Адлия вазирликлари, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мо-

ниторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда маданий меросни сақлаш, бу борада қабул қилинган қонунлар, муҳим давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, маданий меросдан фойдаланиш, бунда ННТ фаоллигини оширишга қаратилган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёт йиллари даврида эришган муваффақиятлари юзасидан хорижий мамлакатлар эксперт доиралари вакиллари билдираётган фикр-мулоҳазалар ва баҳолар ҳам юртимиз танлаган давлатчилик қуриш, иқтисодий ҳамда демократик тараққиёт йўли нақадар тўғри эканлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганлигининг яққол тасдиғидир.

Майкл Томас:

«Жаҳон майдонида ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиги Ўзбекистоннинг муҳим ютуқларидан биридир»

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам билан қутлар экан, "Pathfinder Trade & Invest" компанияси ижрочи директори Майкл Томас "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқини ва Ўзбекистон раҳбариятини мамлакат мустақиллигининг 23 йиллиги билан муборакбод этаман. Республикангиз замонавий тараққиётнинг муҳим ютуқларидан бири унинг жаҳон майдонида муносиб ўрнига эга бўлгани ҳисобланадики, бу, энг аввало, давлат раҳбарининг саъй-ҳаракатлари натижасида рўй берди. Бугун Ўзбекистон бутун дунёга машҳурдир, унга бўлган қизиқиш тобора ортиб борапти. Унинг Тош-

кент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа беқийё тарихий шаҳарлари кўплаб мамлакатлардан сайёҳларни ва ишбилармонларни жалб қилмоқда.

"Pathfinder Trade & Invest" компанияси ижрочи директори сифатида мен Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши таркибининг аъзосиман. Мазкур кенгашнинг вазифаси Марказий Осиё мамлакатлари билан савдотик муносабатларини ривожлантиришдан иборатдир. Кенгаш аъзоси сифатида мен амалий сафарлар билан бир неча мартаба Ўзбекистонга боришга муюссар бўлдим.

(Давоми 2-бетда).



Иқтисодий салоҳият ва изчил ривожланиш

Ҳар қандай давлатнинг жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида унинг маданий, тарихий, илмий, айниқса, иқтисодий салоҳияти муҳим ўрин тутади. Шу маънода, Ўзбекистон имкониятлари ниҳоятда юқори мамлакат бўлиб, кейинги йилларда иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўсиш суръатлари кўрсаткичлари билан нуфузли давлатлар қаторидан мустақам жой эгаллаб келмоқда. Бу, ўз навбатида, халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

Натижалар таҳлил қилинди, вазифалар белгиланди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

СУРХОНДАРЁ вилояти фаоллар йиғилишида таъкидланганидек, ҳисобот даврида иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари таъминланди, ялпи ҳудудий маҳсулот 108,6 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 107,4, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 107,5, қурилиш ишлари ҳажми 107,5, чакана савдо айланмиси 117 фоизни ташкил этди. Янги корхоналарни ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш, инвестицияларни жалб этиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, экспортга йўналтириш борасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлди. Натижада 637,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида воҳада 753 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, энгил саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иxtисослаштирилган лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Ҳозирги пайтда вилоятда 10887 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти бўлиб, уларда воҳаликларнинг 79,6 фоизи меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, бу соҳада ярим йиллик давомида 18894 та иш ўрни ташкил этилди.

Иштирокчилар зарар кўриб ишлаган ва паст рентабелли корхоналарнинг молиявий соғломлаштириш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш ва бошқа қатор долзарб масалаларни ҳам батафсил муҳофазат қилишди.

Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов иштирок этди.

А. МУҲАММАДИЕВ, Х. АҲМЕДОВ, Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан марказий ҳамда ҳудудий газеталар вакиллари иштирокида ўқув курслари ташкил этилди.

Сайлов қонунчилиги пухта ўрганилмоқда

Журналистларнинг сайлов қонунчилиги ҳақидаги билимларини янада оширишга қаратилган мазкур семинарлар Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлири сайловларига тайёргарлик кўриш бўйича қабул қилинган тегишли дастур доирасида ўтказилмоқда. Дастурда сайловнинг барча босқичларида ошқоралик, очикчилик таъминлаш, миллий сайлов тизимига оид қонунчиликни янада демократлаштиришнинг аҳамияти, мазмун-моҳиятини аҳолига кенг тушунтиришга оид чора-тадбирлар назарда тутилган.

Таъкидланганидек, масс-медиа демократик сайловларни ўтказишнинг муҳим таркибий қисмидир. Зеро, эркин ва адолатли сайловлар фуқароларнинг нафақат овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишга, балки сайлов жараёнининг бориши, уларда қат-

нашаётган сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ҳақида ахборот олишини ҳам кафолатлайди. Шунинг қайд этиш керакки, мамлакатимизда бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий база яратилган. Жумладан, қатор қонунларда ушбу муҳим ижтимоий сиёсий воқеаларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш механизми мустаҳкамланган. Бу эса сайловларни ўтказишда қонунчиликка риоя этилишининг асосий шартларидан биридир.

Иштирокчилар ўқув курслари давомида сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ҳуқуқий кафолатларини чуқур ўрганиши, сайловга оид қонунчиликка қиритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан янада муфассал таништирилди. Жумладан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш қон-

цепциясига мувофиқ, сайлов қонунчилиги сайлов эркинлиги тамойилини янада тўлиқ амалга ошириш, мамлакатимиз сайлов тизимини бундан-да демократлаштириш, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шартларни таъминлаш самарадорлигини кучайтириш йўнали-

нинг сайловлар ҳақида тўлиқ ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашда оммавий ахборот воситалари вазифалари, журналист-сиёсий шарҳловчи фаолиятининг ўзига хосликлари, сайловда ташвиқоти замонавий технологиялари, сайловда кампанияси даврида қўлланиладиган иш шакллари ва методлари, PR-технологиялар, кузатувчилар институти, сайловни ёритишда халқро таъриба, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш каби мавзулар таҳлил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети олимлари, Ўзбекистон Миллий университети Олий журналистика курслари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти мутахассислари, Марказий сайлов комиссияси вакиллари томонидан мазкур йўналишларда қизқаркли тақдимотлар қилинди.

Қолаверса, тадбир доирасида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида, ЎзЛиДеП, ЎзДП, «Миллий тикланиш» ДП, «Адолат» СДП, Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий аппаратида ўрашувлар бўлиб ўтди. Шу асосда иштирокчилар сиёсий партиялар ва уларнинг қўли палатадаги фракцияларининг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширишда ишлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдилар.

С. МАХСУМОВ.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Маданий мерос муҳофазаси ва масъулият

Албатта, ушбу жараёнда халқро ҳамкорликнинг ривожлантирилгани, табиат ва маданият ёдгорликларини муҳофазат қилишнинг ҳуқуқий ҳамда институционал тизими яратилгани муҳим омил бўлмоқда. Давра суҳбатида «Маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги ҳамда «Маданий бой-

ликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги қонунларнинг ижросини таъминлашда жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тизимли ишлар олиб борилаётгани қайд этилди. Чунончи, «Хунарманд» уюшмаси, «Олтин мерос» халқро хайрига жамғармаси, «Ўзбекмузей» музейлар-

ни қўллаб-қувватлаш республика, «Мерос» халқро хайрига илмий-амалий экспедицияси фондлари маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланишда фаол иштирок этмоқда. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010 — 2020 йилларда но-

моддий маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масалалари ҳам муҳофазат қилинди. Мунозаралар якунида маданий меросни сақлаш ҳамда улар ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш, жамоатчилик на-

зорати ва ижтимоий шериклик механизмларини татбиқ этиш бугунги кунда айна зарурат эканлигига эътибор қаратилиб, бу борадаги масалаларни ҳал қилишда ННТ иштирокини кенгайтириш, самардорлигини оширишга қаратилган зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

БАНДЛИК

Уйчилик Дилафрўз Юнусова билан Ўғиллой Садбаралиева тумандаги маиллий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида тикувчилик соҳаси бўйича таҳсил олишган.

Ёшлар боғида меҳнат ярмаркаси

Яқинда мутахассислик дипломини олган қизлар меҳнат жамоасида ҳам ёнма-ён фаолият кўрсатадиган бўлишди. Боиси икки дугона вилоят марказидаги «Камолот» ёшлар боғида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида «Наманганкийим-саноат» хусусий корхонаси билан меҳнат шартномасини имзолади.

Вилоят ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ёшлар корхона ва ташкилотлар томонидан тавсия қилинган 8 мингдан зиёд бўш иш ўринлари билан яқиндан танишдилар. Яна бир эътиборли жиҳати, ярмарка ўзининг бизнес гоёларини амалга ошириш ниятида юрган иқтисодий йиғит-қизларнинг интилишларига ҳам қанот бағишлади. Чунки тадбирга ташриф бўйрунган тижорат банклари вакиллари уларнинг лойиҳаларини атрофлича ўрганиб чиқиб, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашларини билдиришди. Пировардда касб-хунар коллежини тамомлаган ёшлардан бир гуруҳи ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида бизнес юритиш учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлди.

Умуман, ярмарка якунида 3415 нафар йиғит-қиз ота-оналари ҳузурига бўлажак меҳнат жамоасини аниқлаштириб олгани ҳақидаги хушхабар билан қайтди.

Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инновацион лойиҳалар самараси


Пойтахт вилоятидаги «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамияти мамлакатимизда кимё саноатининг етакчи ва илгор корхоналаридан бири ҳисобланади. Айна вақтда бу ерда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича йирик лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбарининг «2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Яқинда корхонада ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилаётган янги лойиҳалар ва улар истиқболдорлигига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Унда «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимидagi корхоналар бош муҳандислари, олим ва мутахассислар, ишлаб чиқариш илгорлари, лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича экспертлар қатнашди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда «Максам-Чирчиқ»да катта ҳажмдаги модернизация ва рекон-

струкция ишлари бажарилди. Аммиак ҳамда карбамид ишлаб чиқариш



цехларида технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизими жорий

этилди. Сув инжекторлари, булгагичлар, сепараторлар, тозалаш иншооти ускуналари замонавийларига алмаштирилди. Паст зичликдаги аммоний нитрат ишлаб чиқариш цехи-

нинг қурилиб, ишга туширилиши жамоанин яна бир катта утуғи бўлди. Айна пайтда корхона маҳсулотлари тури қирқдан ошди. Энг муҳими, улар ички эътиёжларни қондириш баробарида, дунёнинг 30 дан ортик давлатларига экспорт қилинмоқда.

Тадбир доирасида иштирокчилар корхонада мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион лойиҳалар билан ҳам бевосита танишиш имконига эга бўлди. Хусусан, жамиятнинг Қирбай туманидаги ёрдамчи ҳўжалигида ишга туширилган биогаз қурилиши, Чирчиқ шаҳридаги тиббий-реабилитация марказида қўйилган батареяларидан фойдаланиш лойиҳаси кўпчиликда қизиқиб уйғотди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАҒРИКЕНГЛИК

Яқинда Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ илк давлат ташрифи билан мамлакатимизга келганида, у билан учрашиш, суҳбатлашиш имконига эга бўлди. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистонда яшаётган корейс миллатига мансуб фуқаролар ҳаёти, уларга яратилган шароитлар билан қизиқди. Мен, ҳеч иккиланмай, бахтли яшаш учун нимаики зарур бўлса, юртимизда уларнинг барчаси мавжуд, дея қатор мисоллар билан буни изоҳлаб бердим.

Бу заминда инсон қадри доимо улуғ

Ҳақиқатан ҳам, дунёни кезиб Ўзбекистондек гузал, меҳрабоқибат, одамийлик фазилатлари юксак қадрланадиган юртини топиш мушкул. Меҳри қайноқ ўзбек халқини уруш йилларида не-не қийинчиликларни бошидан кечирган, оғир ҳаёт синовлари билан юзма-юз келган корейслар, немислар, поляклар, греклар ва бошқа миллат вакиллари жуда яхши билишди. Энг оғир дамларда ҳам ўзбеклар, ҳатто, бир бурда нонини улар билан бирга баҳам кўрган. Минглаб етимларга бошпана берган. Бу тарихни ҳеч қачон унутиб бўлмайди.

Мен шу бетакор заминда воёга етдим, ҳаётда ўз ўрнини топдим. Ўз ҳаётимни Ўзбекистонсиз тасаввур ҳам қилолмайман, Ватаним, дея унинг номини ғурур билан шарафлайман. Айтиш жоизки, истиқлол йил-

ларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар муҳитини мустаҳкамлаш масаласига ҳам жуда катта эътибор қаратилди. Бу борада, аввало, қонуний асослар яратилди. Жумладан, Конституцияимизнинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудидида истиқомат қилувчи барча миллат ва эллатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавлари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди», деб қайд этилган бўлса, 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мақеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», дея белгиланган. Ана шу тамойиллар буғунги ҳаётимизда ўзининг тўлиқ ифодасини топяпти.

Юртимизда 130 дан зиёд миллат ва эллат вакиллари тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечиришмоқда, келахати буюк Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти, эртанги истиқболига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг эмин-эркин таълим олишлари, ўз қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, аънавларини сақлаш ҳамда ривожлантиришлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Ҳозир Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб икки юз мингга яқин фуқаро яшайди. Уларнинг ҳар бири бугунги кундан миннатдор, эртанги куннига иншончи мустаҳкам. Шу боис Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, янада тараққий этиши йўлида ҳамма қатори корейслар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интилишяпти.

Мамлакатимизда барча мил- фидойилари борлиги ҳам яққол тасдиқлайди. Бу бизга алоҳида фахр бағишлайди. Байрамларимиз, яхши кунларимизни бутун халқимиз бир тан бир жон бўлиб қўлашга одатланган. Хусусан, ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик тантаналари миллий маданий марказлар билан биргаликда кенг нишонланмоқда. Миллий маданиятларимиз, декадалари, миллий байрамлар ҳам муносиб ташкил этилаётди. Умуман, солиқимизда айтсак, корейс халқининг «Соллар» (Янги йил), «Тано» (экин-тикин юмушлари тугаланиши билан боғлиқ байрам), «Чусок» (ҳосил байрами), «Хансик» (Хотира тадбири) дея номланувчи маросимларини эмин-эркин ўтказмоқдамиз. Уюшмаимиз аъзолари «Ўзбекистон — умумий уйимиз» аънавий дўстлик ва маданият фестивалида ҳам доимо фаол

катнашишди. Бу тадбир бизга жуда ёқди. Чунки унда боқий аънавлар, қадриятлар кенг намойиш қилинади, гўзал ва бетакор Ватанимизни улуғловчи куй-қўшиқлар ижро этилади. Албатта, ҳар бир эзгуликнинг тағ-заминида Президентимизнинг оқилона сиёсати, тинчлик-

тотувликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ётибди, десак, айна ҳақиқатини айтган бўлаимиз. Бугунги таҳликали замонда бунга эришиш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Негаки, жуда кўп давлатларда турли қарама-қаршиликлар, ички низолар, қуролли тўқнашувлар давом этаётти. Миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора авж олмақда. Улар бизни доимо ҳушёр ва оғоҳ бўлишга, Ватанимизни асраб-авайлаш йўлида фидойилик кўрсатишга ундайди.

Давлатимиз раҳбари бу йилги Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида: «Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нимаини истайдиган бўлса, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршиликлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хошлайди. Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айна шундай тилакларни раво кўради», дея диллимиздаги гапларни айтдилар. Албатта, бизга фақат тинчлик керак. Тинчлик бўлса ҳаёт яхшиланиб бораверади, одамлар бахтли умр кечиради, орзуларининг рўёбини кўради. Бирдамлик, аҳиллик бор жойда эса ўсиш, ривожланиш бўлади.

Бугун биз фахр билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон — умумий уйимиз! Тили, дини, миллати ва эллатидан қатъи назар, шу юрда яшаётган ҳар бир фуқаро ўз Ватанини севади ва кўз қорачиғидек асрайди. Чунки бу заминда аждодлар киндик қони тўқилган, инсон қадри доимо улуғ. Шундай экан, унинг раванқига муносиб ҳисса қўшишни биз чин фарзандлик бурчимиз, деб биламиз.

Виктор ПАК,
Республика корейс миллий маданият марказлари уюшмаси раиси.

Майкл Томас:

«Жаҳон майдонида ўзининг муносиб ўрнига эга эканлиги Ўзбекистоннинг муҳим ютуқларидан биридир»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Биз жадал ривожланган бораётган мамлакатлар сафидан жой олган Ўзбекистон билан бизнесни ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Мустақил ривожланиш даврида мамлакатда замонавий автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, транспорт инфратузилмаси такомиллаштирилди ва умуман олганда, барча соҳаларда хайратланарли муваффақиятлар кўлга киритилди. Шу билан бирга, юртингизда бизнес юритиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда иш ўринлари ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш йўли билан барқарорлик ва хавфсизликка эришилди.

Утган йили республикангиз қишлоқ жойларида

уй-жой қурилиши жараёни билан танишдим. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида кўпгина жабҳаларда, хусусан, юқори технологиялар, транспорт, таълим, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари мавжуд, деб уйлайман.

Умид қиламанки, жорий йилда Тошкент халқро сайёҳлик ярмаркасида иштирок этиш ҳамда бу соҳада ўзaro ҳамкорликни йўлга қўйишни ўрганиб чиқиш имконига эга бўламан. Икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳиятини оммалаштиришга ўз ҳиссамни қўшишдан бахтиёрман.

«Жаҳон» АА.
Лондон

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

Маълумки, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларни юқори малакали ва таърибали педагоглар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тўдан ошириш, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, болалар, айниқса, қиз болаларда жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

«Зумрадойлар давраси»

қизларда одоб-ахлоқ кўникмаларини шакллантиришда илк қадам бўлмоқда

Шунингдек, унда 3-6 ёшли қиз болалар маънавий-ахлоқий тарбиясини эрта бошлаш, улар қалбда одоб-ахлоқ кўникмаларини шакллантириш мақсадига мактабгача таълим муассасаларида «Зумрадойлар давраси» тўғрақларини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, айна чоғда ушбу йўналишда изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан юртимиздаги деярли барча мактабгача таълим масканларида ана шундай тўғрақлар фаолиятининг йўлга қўйилгани жажжи қизларимизни юксак савияли, интеллектуал салоҳиятли, назокатли, иродали, одоби қилиб тарбиялашда, уларда ростиўйлик, камтарлик, хушмуомалалик, шахсий гигиенага риоя этиш каби хислатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланган «Зумрадойлар давраси» номли ўқув-услубий қўлланма, айниқса, мураб-

бийлар ва ота-оналарга қўл келаяпти.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган республика семинарида ана шулар ҳусусида сўз юритилди. Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда республикамиздаги 4950 мактабгача таълим муассасасига 581 мингдан ортик кичикинтой қатнайдди. Айна чоғда Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, чунончи, мактабгача таълим даргоҳларининг моддий-техник базасини босқичли-босқич мустаҳкамлаш, ушбу муассасаларга болаларни кенг камраб олиш, тарбиячи ва мураббийларнинг билан ҳамда салоҳиятини юксалтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

З. ИСМОИЛОВА.

ЎЗБЕКНИНГ НУРЛИ БОЛАСИ

ФИФА рефериси Равшан Ирматовга

Миллэн ўзбек боласини кўзини чақнатолган, Яна шунча боланинг кўнглини яшнатолган, Жаҳон майдонларида юрт номини янграпти, Жаҳон майдонларини ўрнидан кўзгатолган. Олам аро ному шон қозонмоқ осон эмас, Ўғлонинг мард бўлмаса — майдонинг майдон эмас.

Ер шари ҳам коптокдай азал юмалоқ келган, Менинг бобом энг аввал уни думалоқ деган, Ал-Фарғоний, Беруний боболаримдан бўён Бу дунё бир тўп мисол гоҳ ўндир, гоҳ бу ён. Вақт — энг олий ҳакам, бу гапим ёлгон эмас, Ҳеч ким Вақт мисоли ҳакамлик қилгон эмас.

Султон Улуғбек токи Ер узра чекди рақам, Юлдузлар рафторига илк бор бўлолди ҳакам. Олам аҳли билгувчи бор менинг ғувоҳларим — Бухорий боболарим, Темирий боболарим. Султонларим шунчаки бек ва ёки хон эмас, Уларни билмаганлар башар ё инсон эмас.

Марказий Осиё бу, яъни Ўрта Осиё, Коинотдан боқсанг гар бу юртдан порлар зиё. Самарқанду Бухоро — тамаддун матвосидир, Улуғ эл заковати, тафаккур туғросидир. Аслардан нур сочиб бекорга келгон эмас, Бу — миллат тимсолидир, шаҳар ё кўрғон эмас.

Демак, олам аҳлига қадрдон қошу кўздек, Жаҳон майдонларида доврқ солса бир ўзбек — Миллэн элдошлар билан қувнар жону жаҳоним, Эй, менинг она юртим, менинг ота маконим, Оламга сайру гаштим — шунчаки жавлон эмас, Гурур ҳам ифтихорим — шунчаки дoston эмас.

Бу оламнинг авзойи гарчи турфа-турфадир, Унинг энг соз, энг қизик кайвониси ФИФАдир. Сенинг феълингни отанг, ҳар ёр, ҳар ошнанг айтсин. Мессиларга кўрсатган “сарик қарточканг” айтсин. Ҳакамлик — ҳалолликдир, бошқа сўз имкон эмас, Адолатдан ўзгаси бунда ҳукмрон эмас.

Ҳаёт нурга чулганар тинч, ёруғ тонлар ота, Ташканча чойдан куйинг демак, Сайфиддин ота. Равшан — ёруғлик демак, қўтлуғ бу давру даврон, Қандингни ур, Равшанжон! Қандингни ур, Равшанжон! Ватандин айро давру давронинг даврон эмас, Элга нафи тегмаса — ўғлонинг ўғлон эмас!

Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири.

Спортнинг сирли олами



ИНТИЛИШ

Наманганлик Тоҳиржон Сатимов — қўл жанги бўйича маҳоратли спортчи. Ҳозирги кунга келиб ўз йўналиши бўйича республикада ягона олий тоифали мураббий ҳисобланган бу инсон Наманган туманидаги 32-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларга сабоқ бераётти. Унинг хонадонига кирсангиз, машғулот хонасидаги стол устига териб қўйилган кўплаб медалларга кўзингиз тушади.

Энди ўзимнинг ҳам совринларим бор. Дарҳақиқат, меҳнатлари самарасини шоғирдлари камолда кўриб келётган Тоҳиржон ака ўғилларига ҳам мазкур спорт тури сирларини сингдирди. Кун бўйи мактабда давом этган машғулотлар кечга бориб, уйда янаям қизгин тусга кирди. Буларнинг бари тезда ўз натижасини бер-

дида 540 нафар ўғил-қиз тарбияланади. Уларнинг 106 нафари кўл жанги гуруҳи машғулотларига қатнайдди. Мураббий ўқувчиларнинг характери, ўлаштириш қобилиятига қараб, ҳар бири билан алоҳида иш олиб боришди интилади. Шу боис иктидорларнинг кўпчилиги катта-кичик мусобақаларда ўз маҳоратини кўрсатиб, мак-

эса — Осиё чемпиони. Бундай ёшлар номини кўплаб келтириш мумкин. — Спорт — миллат фахри, фарзандларимиз иктидорини юзага чиқарадиган самарали восита, — дейди Т. Сатимов. — У минглаб оилалар, мактаб, маҳаллаларга кириб бораётган, ўғил-қизларимиз спорт орқали жонажон Ўзбекистонимиз доврғини оламга таратаётгани ҳар биримизга чексиз фахр бағишлайди.

Кўл жанги бўйича спорт устаси, бокс бўйича спорт усталигига номзад, бундан ташқари, қаратэ бўйича II Дан қора белбоғ соҳиби булган бу мураббий ярим асрлик ҳаёт йўлини босиб ўтди. Шундан ўттиз йиллини ёш спортчилар камолотига сарфлади ва бугун меҳнатлари ўз мевасини бераётганидан қалби қувончда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳавас, ҳаракат, муваффақият

Совринларининг сони икки юзтадан ортаркан. Олтин, кумуш, бронза медалларининг ҳар бири спортчининг нуфузли мусобақаларда рақибларидан устун келганини, баҳсларда муносиб иштирок этганини аниқлаб туради. Кўпчиликнинг ҳавасини тортадиган яна бир жиҳат оилада соғлом турмуш тарзи мустаҳкам қарор топаган ҳамдир. Гап шундаки, камолга етаётган икки ўғил — Шохназар ва Шохжаҳон ҳам ота изи-

дан бориб, жисмоний етуқлик поғоналарини дадиллик билан босиб ўтаётти. — Кўл жанги ўзида бокс, кураш, қаратэ сир-асрорларини мужассамлаштирган спорт туридир, — дейди Шохназар. — У билан мунтазам шуғулланган киши кўркам, бақувват бўлади. Иродаси мустаҳкамланади. Отам ҳай гал мусобақадан галаба билан қайтариларди, кўлга киритган медалларини ҳавас билан тақиб олардим.

ди. Шохназар беш қарра Ўзбекистон чемпионлигига эришди. Келажакда отаси сингари олий тоифали мураббий бўлмоқчи. Шохжаҳоннинг ҳам ютуқлари мактовга сазовор. Айни пайтга қадар болалар ўртасида вилоят миқёсида ўтказилган мусобақаларда олти бор голиблик шохсупасига кўтарилган.

Тоҳиржон ака меҳнат қилаётган болалар ва ўсмирлар спорт макта-

таб нуфузини оширишга ҳисса қўшаётти. Улардан бири Баҳром Ғуломовдир. Тенгдошлари орасида тиришқоқлиги билан ажралиб турадиган бу йигит Самарқандда кўл жанги бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида голиблик сафидан жой олган эди. Нарғиза Бокиева ҳам ушбу мусобақада 50 килограмм вазни спортчилик сафида майдонга тушиб, голибликка эришди. Анасхон Эркинбоев



2010 йил Жанубий Африка Республикасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Равшан Ирматов бешта учрашувни бошқариб, футбол тарихига кирган эди. Бу галги нуфузли мусобақада Швейцария — Эквадор, Мексика — Хорватия, АҚШ — Германия, Голландия — Коста-Рика ўйинларини бошқарди ва шу орқали мундиалларда жами

9 та учрашувда бош ҳакам бўлиб майдонга тушган ягона рефери сифатида рекорд ўрнатди.

БИЛАСИЗМИ?

Ёз фаслининг дастлабки икки ойида футбол ишқибозларининг диққат-эътибори Бразилияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати учрашувларига қаратилгани, шубҳасиз. Айтиш жоизки, бу мундиаль янги номларни кашф этди, бири-бирдан қиройили голлар шодасини улашди. Шу билан бирга, қатор рекордлари янгилади. Биз шулар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Янгиланган рекордлар

Яккапешқадам

“Немис машинаси” жаҳон чемпионатларининг финал баҳси иштирокчилари рўйхатида яккапешқадамликни кўлга киритди. Энди улар ҳал қилувчи ўйинда саккиз марта қатнашган ягона терма жамоадир. Германияга энг яқин таъкичи сифатида бразилияликлар (етти марта) туришибди.

Атиги битта гол етишмади

Айнан шундай. Мазкур жаҳон чемпионатида дарвозаларни иш-гол этиш бўйича рекордни янгилаш учун битта гол камлик қилди. Шу пайтгача энг кўп гол (171 та) 1998 йилда Францияда ўтказилган ЖЧДА қиртилган эди. Аммо тўрт йил аввал ЖАРда ташкил этилган мундиалга нисбатан қиёслаганда, (145 та) буни-си жуда баракали бўлди.

Тўпурар ўзгарди

Шу пайтгача дунё биринчиликларида энг кўп гол киритган тўпурар дея бразилиялик афсонавий футболчи Роналдо тўла олинар эди. Германия терма жамоасининг 35 йилли ҳужумчиси Мирослав Клозе бу галги чемпионатда рақиблар дарвозасига иккита гол киритиб, уни ортда қолдирди ва мундиалларда 16 та гол урган ягона футболчи бўлди.

Кутқарувчи

АҚШ терма жамоаси дарвозабони Тим Ховард бир ўйинда жамоасини 16 та голдан сақлаб қолган футболчи сифатида рекорд ўрнатди. Бельгияга қарши кечган учрашувда дарвозабон шундай “сейв”ларни амалга оширдикки, шу пайтгача бундай натижани ҳеч ким қайд этмаган.

Кекса футболчи

Колумбия терма жамоаси дарвозабони Фарид Мондрраг Япония вакиллари қарши кечган ўйиннинг охирида қайдланган энг кекса футболчи сифатида тарихқа кирди. У шу кунга 43 ёшга 3 кунлик эди. Дарвозабон бунгача 1994 ва 1998 йилги жаҳон чемпионатларида ҳам иштирок этган.

Энг кўп кўрилган

ФИФАнинг телевизион масалари бўйича директори Насолаас Эриксон Бразилияда ўтказилган мусобақа жаҳон чемпионатлари тарихида муҳлислар энг кўп томоша қилган мундиаль бўлганлигини таъкидлади. Хусусан, биринчи химоячиси Артуро Видаль “Манчестер Юнайтед”да ўз фаолиятини давом эттириши мумкинлиги айтилмоқда.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тўйёрлади.

Камолот пиллапоялари

ШИЖОАТ

Илк синов

— Болам боксга жуда қизиқади. Уни жаҳон чемпиони қилиб беринг, — деди фарзандини бокс тўғрага олиб келган ота ҳазиломуз оҳангда. — Сизни тажрибали мураббий сифатида яхши билганимиз учун ҳам олдингизга келдик. — Раҳмат. Лекин аввал уни бир синаб кўрайлик, — дея жавоб қайтарди мураббий. Сўнг боланинг имкониятларини кўздан кечирди: ҳаракатлари чакқон, рақибни нишонга олиши зўр, зарбаси қучли, муҳими, интилиши оқори. — Углингизда истевдод бор, — деди бўлажак шоғирдининг ҳаракатларидан кўнгли тўлган мураббий. — Боксинг сирини синоатларини кўнгли билан ўрганса,

мағлубиятдан тушқунликка тушмаса, ютуқлардан кеккайиб кетмаса, кам бўлмайди. Бу фақат ўзининг сай-ҳаракатларига боглик. Биз маҳоратини ошириш учун қўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз, бор имкониятимизни ишга соламиз...

Машҳур мураббий Маъруфжон Аҳмедов ва фарғоналик умидли боксчи Бектемир Мелиқўзиевнинг отаси ўртасида кечган ушбу суҳбатга анча йиллар бўлди. Ушунда қилинган эзгу ният бугун рўёбга чиқди. Бектемир, ҳақиқатан ҳам, Осиё ва жаҳон чемпиони бўлди. У бундай муваффақиятга Соғлом бола йилида эришди. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор, албатта.

Ишончни оқлаётган шоғирд

Бектемир Маъруфжон Аҳмедовга шоғирд тушганидан беҳад қувонди. Унинг ўғитларига, кўрсатмаларига қулоқ тутди. Ўзи яхши кўрган спорт турининг сирларини сабр-тоқат билан ўргана бошлади. Астойдил қилган сай-ҳаракатлари зое кетмади. Машғулотларда ҳар томонлама ўзини кўрсатган тиришқоқ шоғирд дастлаб туман ва вилоят миқёси-

даги мусобақаларда совриндор бўлди. Ун беш ёшида эса Ўзбекистон чемпионлигига эришди. Муҳими, кетма-кет кўлга киритилган галабалардан кеккайиб кетмади. Аксинча, тажрибасини янада ошириш ҳақида ўйлади, шунга астойдил интилди. Бектемир энди халқро мусобақаларда ўз маҳоратини намойиш этишга киришди. Хусусан, 2010 йили Тошкент

шаҳрида бўлиб ўтган халқро мусобақада учинчи ўринни эгаллади. Кейинги йили Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ташкил этилган яна бир нуфузли халқро турнирда кумуш медал билан тақдирланди. Бундан ташқари, Таиланд, Сербия каби қатор давлатларда ўтказилган беллашувларда ҳам голиб ва совриндорлар сафидан ўли олдди.

Баҳоидир НОСИРОВ.

Ютуқларга бой йил

Соғлом бола йили Бектемир Мелиқўзиев учун омадли келди. У йил бошида Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медални кўлга киритди. Яқинда Болгариянинг София шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам унга тенг келадиган рақиб топилмади. Мазкур нуфузли мусобақада дастлаб гватемаллик Карлос Товар, кейин эса грузиялик Георгий Харабадзе, украиналик Олександр Токарчук, Доминикан Республикаси вакили Хуан Рамон Соляно ва хорватиялик Лука Пртенжакани мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Бу ҳали ҳам-

маси эмас. Болгарияда ўтказилган дунё биринчилигида Бектемир жорий йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида ташкил этиладиган II ёзи Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. — Жаҳон чемпионатидаги галабам ўзимга бўлган ишончининг янада оширди, — дейди Бектемир Мелиқўзиев. — Усмирлар Олимпиадасида бу натижа тасодиф эмаслигини исботлашни мақсад қилганман. Насиб этса, албатта, ниятимга етман ва давлатимиз байрогини бошим узра баланд кўтараман.


“Миллионлар ўйини” ишқибозлари “футбол бозори”да кечадиган олди-сотди жараёнларини доимо катта қизиқиш билан кузатиб боришади. Ҳозир айни ёзги трансфер мавсуми қизгин паллага кирган пайт. Гарчи янги харидларни амалга ошириш учун жамоалар олдида деярли бир ой вақт бўлса-да, жаҳоннинг етакчи клублари аллақачон шов-шув кўтаришига улгуришди. Келинг, улардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтсак.

Биздан сизга ким керак?

Испаниянинг “Реал” (Мадрид) ҳамда “Барселона” клублари ўз таркибларини номдор ўйинчилар билан тўлдирish борасида азалдан рақобатлашишади. Қарангки, ушбу аънана бу гал ҳам давом этаётти. Аввалига каталонияликлар Англиянинг “Ливерпуль” жамоасидан Луис Суаресни 81 миллион евро эвазига сотиб олиб, шу орқали 2014 — 2015 йилги мавсумда ўз олдиларига улкан максадларни қўйишгани баён қилган бўлишиди. Лекин “Барселона”нинг янги вакили дастлабки турларда клубига ёрдам беролмайди. Биласиз, яқинда Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионати баҳсида Суарес италиялик химоячи Жоржо Кьеллинини тишлагани учун ФИФА томонидан жазага тортилган. У миллий терма жамоасининг 9 та расмий учрашувидан ва 4 ой давомида футбол билан боглик ҳар қандай фаолият туридан четлатилган. Мана шундай шариот бўлишига қарамай, унинг “бозори чакқон”лиги эътиборга лойиқ. Дарвоқе, ургуваллик ҳужумчининг каталонияликлар сафига келиб қўшилиши Алексис Санчеснинг “Барселона”даги фаолиятига яқун ясади. Санчес 37,8 миллион евро эвазига Лондоннинг “Арсенал” жамоасига ўтиб кетди.

Кўпчиликни “Хўш”, “Қироллик клуби” энди қандай йўл тутаркин? деган савол жавоби қизиқтираётган. Мадридликлар ҳам бўш келишгани йўқ. Улар йигирманчи жаҳон чемпионатида рақиблар дарвозасига энг кўп гол киритиб, муҳлису мутахассисларнинг эътирофини қозонган колумбиялик ярим химоячи, Франциянинг “Монако” клуби аъзоси Хави

ёзнинг энг қиммат трансферлари сифатида қайд этилди: Давид Луис “Челси”дан “ПСЖ”га (49,5 млн. евро), Диего Коста “Атлетико” (Мадрид)дан “Челси”га (38 млн. евро), Люк Шоу “Саутгемптон”дан “Манчестер Юнайтед”га (37,5 млн. евро), Андер Эррера “Атлетик



ТРАНСФЕР

мес Родригесни 80 миллион евро эвазига харид қилишиди. Диққатга сазовор жиҳати, ҳали янги мавсумга старт берилмасданқ Родригес “Реал”га мўмай даромад келтира бошлади. Гап шундаки, спортчининг исми туширилган футбол либослари сотувга чиқарилгач, 28 соат ичида клуб газнасига 46 миллион евро маблаг тушди. Яъни икки кунда 345 мингта либос пулланди. У майдонда қандай наф келтиради? Буни тез орада билиб оламиз. “Қироллик клуби”нинг яна бир шов-шувли трансфери 30 миллион евро эвазига ўз таркибини Тони Кроос (“Бавария”) билан қўшайтириши бўлди. Шунингдек, куйидагилар

Бильбао”дан “Манчестер Юнайтед”га (36 млн. евро), Сеск Фабрегас “Барселона”дан “Челси”га (33 млн. евро), Адам Лаллана “Саутгемптон”дан “Ливерпуль”га (31 млн. евро), Деян Ловрен “Саутгемптон”дан “Ливерпуль”га (25 млн. евро) ўтди.

Кўплаб спорт нашрлари яқин кунларда куйидаги футболчилар ҳам бошқа жамоаларга ўтиши мумкинлиги ҳақида ёзмокда. Жумладан, “Манчестер Юнайтед” ҳужумчиси Хавьер Эрнандес “Атлетико” (Мадрид)да, “Атлетико” (Мадрид) химоячиси Миранда “Челси”да, “Челси” дарвозабони Петр Чех “ПСЖ”да, “Ювентус” ярим химоячиси Артуро Видаль “Манчестер Юнайтед”да ўз фаолиятини давом эттириши мумкинлиги айтилмоқда.

Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.

WWW.XS.UZ

Грузия: Батуми шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқро турнирда ҳамюртимиз Вероника Орлова таяниб сакраш баҳсида 13,22 балл тўплаб, бронза медални кўлга киритди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 769. 79 769 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.00 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

